

Сұхбатдоши билиш сирлари

ИНСОННИ ҮРГАНИШ ИЛМИ

Инсон
жәкіда
шым



- Қарашлар
- Күзлар – күнгилдан сүзлар
- Құлларимиз қандай сирни айтади?
- Қадамлар – феълингиздан дарак
- Инсонларни фарқлай оласизми?
- Күринганингиз кабимисиз?
- Ким қандай кулади?

?

ИНСОННИ ЎРГАНИШ ИЛМИ



2016

УЎК: 94(575.1)

КБК: 88.37

И – 60

Инсонни ўрганиш илми / Тузувчи: Ойдиннисо Йўлдошева. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 64 б.

ISBN 978-9943-27-496-9

Янги танишингизни бир кўришдаёқ қандай инсонлигини била оласизми? Ёки узоқ вақт сухбатлашгачина уни ўргана бошлайсизми? Кўпчилик одамлар сухбатдошининг нафақат сўзлаётган сўзи ва ўзини тутиши, балки ташки кўринишига қараб ҳам баҳо беришади. Ва баъзан шундай бўладики, ҳеч қанақанги сўз, ҳеч қанақанги хатти-ҳаракатсиз ҳам бир кўришдаёқ муносабат билдирилади.

Албатта, инсоннинг кўриниши, юриш-туришига қараб, унинг ички оламини кўра олиш учун инсонни яхши билиш лозим. Бу ҳақда эса ушбу китобчамиз сизга кўмакдош бўлади.

УЎК: 94(575.1)

КБК: 88.37

Тузувчи
ОЙДИННИСО ЙЎЛДОШЕВА

ISBN 978-9943-27-496-9

© «Инсонни ўрганиш илми». «Янги аср авлоди»,
2016 йил.

КИРИШ

Биринчи марта кўриб турган одамга нисбатан ёқтирмаслик ёки мойиллик туйгулари нима асосида пайдо бўлади, деган савол ҳар биримизни қизиқтириши табиий. Инсонни ўрганиши илми асосчиларининг таъкидлашларича, ушбу муносабат тана «сигнали» – сўзсиз тил асосида ҳосил бўларкан. Фақат руҳшуносларни ҳисобга олмагандা ушбу тил деярли ҳеч қаерда ўргатилмайди. Аммо инсоннинг ҳаракатларини тўғри баҳолаш, уни яхшироқ билиш учун ушбу фан тўғрисида маълумотга эга бўлиши ҳар бир инсон учун керак ва жуда қизиқарли.

Инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати, имоишораси – ушбу тилнинг сўзлари. Хатти-ҳаракатига қараб муносабатда бўламиш, шу асосида ўзаро алоқаларимиз шакланади. Баъзан сухбатдошимизга айтмоқчи бўлганларимизни «сўзсиз» жавобимиз билан ўзимиз кутгандек мувваффақиятли ўддалашимиз мумкин. Айрим ҳолларда эса сухбатдошимизнинг хатти-ҳаракати бизни эҳтиёткорликка ундаиди (наркотик моддалар қабул қилувчилар, собиқ маҳбуслар, ҳаётдан норози, руҳан носоглом кишиларнинг хатти-ҳаракатлари). Бундай ҳолларда қандай қилиб алоқани яхшиликча узиш тўғрисида ўйлаб кўрамиз. Кўпчилик одамлар бир нарсани ўйлаб турив бошқа нарсани гапирадилар, шунинг учун үларнинг ҳақиқий аҳволини тушуниши жуда мухим.

БИРИНЧИ БОБ

СУҲБАТДОШНИ БИЛИШ СИРЛАРИ

Ким қандай кулади

Инсон феъл-авторини нафақат унинг муомаласидан, балки кийиниши, гапириши, хатти-ҳаракатидан ҳам билиш мумкин. Кулиш пайтидаги хатти-ҳаракатлар инсоннинг табиатини айтиб бераркан. Кулаётганда ҳар биримизнинг биз ҳеч қачон таҳлил қилиб ўтирмайдиган ўзимизга хос ҳаракатларимиз содир бўлади. Хириллаб, сокин, тортиниб, қиқирлаб, истехзоли, баланд овозда, эшитилар-эшитилмас, овозсиз – дунёда нечта одам бўлса, шунча хил кулгу бор. Ўзингиз ва яқинларингизнинг қандай кулишини кузатиб кўринг, эҳтимол, қандайдир янгиликларни қашф этарсиз.

Оғзини қўли билан беркитиб куладиганлар тортинчоқ ва ўзига унчалик ишонмайдиган одамлар саналаркан. Бундай кишилар ўта камтар бўлиб, кўзлардан панада юришни маъқул кўради. Уларга ўз табиатини кўпам таҳлил этавермаслик, ўз-ўзини танқид қиласкермасдан эркинроқ яшашни маслаҳат берамиз.

*Боғини орқага тақида б
куладиганиар содда ба ишонувчан,
кени табиатни одамиар бўшиб,
баъзан биробиярия ёки ўз хис-
тумчугарига аиданиб туришиади.
Улар учун кўпроқ ақи-идрокка
таяниб иш қилиши тавсия этилади.*

Кулаётганда жимжилогини лабига олиб борадиган одамлар зебо ва назокатли бўлишга ҳар доим, ҳамма ерда риоя қиласдилар. Диққат-эътиборда бўлишни хуш кўрадилар.

*Оғзини очиб куладиганиар
эҳтиросни одамиар сафига киради.
Уларга бир оз ғазминроқ ва
атроф-мухитга эътиборирироқ
бўшиши тавсия этилади. Фақат ўзи
иапирмай, биробиярни тинниачини
ҳам ўрганиши керак.*

Кулаётганда қўлинни бошига ёки юзига олиб борадиганлар хаёлпараст ва орзуларга берилувчан бўлади. Умуман олганда ёмон

эмас, фақат реалликни ўз хаёлот олами билан мужассамлаштириб иш тутса, айни муддаодир. Муаммоларни ҳал қилишда кўпроқ ақл билан иш қўрганлари маъқул.

Бурнини буриштириб куладиганлар ҳис-туйғуга берилувчан ва инжиқ одамлар ҳисобланади. Унинг қарашлари, туйғулари осон ва тез ўзгаради. Атрофидаги ёқимли ёки аянчли ҳодисалар унга фақат лаҳзалик таъсир қиласди.

*Қулаётланда аниқласа
дўмадиган дигор-дигр хатти-
харакати дўмадиган инсонлар
шахсиятпаратилар сирасина
киаркан. Ҳамиша ўз
мулоҳазалари ва қарашлари
диган ҳамманинг устидан хукм
юритишни ёқтиришиади, бошқалар
фирки диган ҳисоблашмаидилар.
Бу эса атрофдагиларга ёқмайди.*

Қовоқларини қисиб куладиган одамлар вазмин, ўзига ишонган, ўта ақлли бўлади. Файратли ва тиришқоқ, фақат баъзан айrim нарсаларни меъёридан ошириб юборадилар.

Овоз чиқармасдан бошини энгаштириб қулувчилар виждонли, меҳрибон, инсонларга ва шарт-шароитга мослашувчан кишилардир. Улар бирорвнинг дилини оғритмасликка ҳаракат қиласдилар.

КҮЗЛАР – КҮНГИЛДАН СҮЗЛАР

Күзлар кайфиятнинг энг нозик жиҳатларини кўрсатиб беришга қодир. Фикримизга исбот тариқасида бадиий санъат асарларини эслаш кифоя: ёниб турувчи нигоҳ, совуқ нигоҳ, самимий, уйғоқ, меҳрли ва ҳ.к. Аммо илмий асосларга кўра кўз ҳеч қандай ҳис-туйғуни ифода этмайди. Буни қандай тушуниш мумкин, шунча одам бу ҳақда хато фикр-да бўлишганми? Китоблар ва афсоналар алдайдими? Асло бундай эмас. Тўғри, ёлғиз кўз соққаси ҳақиқатан ҳеч нарсани кўрсатмайди. Кўзларнинг ҳиссий таъсири сухбатдошга муносабат ва мимикалар ёрдамида вужудга келади.

*Катта очик кўзлар хис-
тумчилари берилубчан, ўта
таъсирчан, маънавий ға ақший
идроекка тайёрлик, умуман
олианд, қизиқумбчаникдан дарак
беради. Катта очик кўзлар
долалардаги ишончи, соддаликнинг
белиси. Аммо кўпинча даъзи бир
учида чиқкан феандиша одамлар
ҳам айдини ўзидан соқит қилиши
мақсадига ана шу қараашдан
фойдаланаадилар.*

Бекитилган, «пардаланган» кўзлар юқори қовоқ бир оз бўшашиб пастга осилиб, кўзниг юқори қисмини ёпиб турди. Бундай кўзлар бепарволик, руҳсизлик, лоҳаслик, ноумидлик ва манманлиқдан дарак беради. Катта иккиланиш туйғуси билан турган одамнинг қовоқлари ҳам юқорида таъкидланган ҳолатда бўлади. У учун дунёга ёки сухбатдошига одатдагидай очик кўзлар билан қараашнинг ҳеч қизиги йўқ. Атрофмуҳит унга фақат қисман дахлдор. Айнан ана шундай кўз ифодаси билан бирга қуидаги ҳолатларга ҳам эътибор бериш керак: нигоҳ юқорида, оғиз бурчаклари орқага тортилган, манглайдага горизонтал чизиқлар, оғизни бир тарафга қийшайтирган ҳолда табассум ёки қулги, лаблар деярли бутунлай ёпик, юз бир ёнга бурилган. Қилиб қўйган айби учун танбех эшитганда қаттиқ таъсиранган одамда ҳам юқоридаги ҳолат

кузатилади, чунки мушаклар ҳаракат қоби-
лиятини йўқотганида кўзни тўла ёпиб олиш
мумкин эмас!

Озгина очилган оғиз, қуи солинган бош
кўнгли бўшлиқ ва маъносизлик, истаксизлик,
итоаткорлиқдан далолат беради. **Чақчайган**
кўзлар ахборотни қабул қилишда дикқат
 билан тинглаш, майдо-чуйдасигача ўтказиб
 юбормасликка уриниш ҳолатида кузатилади.
Кўпинча чақчайган кўзлар билан бирга очиқ
 оғизни кузатиш мумкин. Бу бутун вужуд би-
 лан берилиб кетганлик, ҳеч нарсани қўйиб
 юбормасликка борлиғи билан ҳаракат қилиш
 туфайли юзага келади.

*Күтшимаган ҳайратланари
ҳолатларга дуи келандага (масалан,
долалар биринчи марта чиройни
безатилин яниш иши арчасига
дуи келишиланыда ёки кўчада
күтшимаган одамга дуи келандага);
қаттиқ хурсандчиликда (масалан,
футболда ҳал қилиубчи юл
уршланидага); қўркуюбда (масалан,
дордоғзини дор устида сакрациини
тамомаша қилаётниб) кўзлар лани
очилиб кеттиши мумкин.*

Ланг очилган кўзлар бирор нимани тушу-
нишга уринмаган, жуда оддий ҳолатларда
ҳам учраши мумкин; бирор номаълумлик-
ни тушунганда: «А-ҳа! Мана, қаерга яшириб
 қўйишиган экан».

Баъзан берилган саволга жавоб кутаёт-
ганда қўзлар чақчаяди: «Гапиринг ахир, мен
кутаяпман!»

*Қисилган қўзлар ҳаддан
зиёд ташла төгуўчи нарсаларга
нисбатан мажбурий ҳимоя
чорасидир: ўткир ёруғик, аччик
тұмбын, қўзла бирор нима кирса
(масалан, соғунын кўтиқ). Бундан
ташқари қисик қўзлар жисмоний
օғриқ, ёқимсиз ўй ға ёқимсиз
кечинмаларни күрсатиш берисида
ҳам хизмат қилади.*

Кўзойнаги ечилган узоқни кўра олмайдиган қўзлар ҳам қисилади. Бу пайтда қорачиқлар нигоҳ ташланган тарафда жамланади.

Бундай нигоҳлар қузатаётган бўлиши ҳам мумкин: бутун диққат-эътибор бир нуқтада бўлади. Агар нигоҳ ён томонга ҳам ташлана-диган бўлса, бу – макр ва шумликнинг белгиси.

Шунингдек, бутун рухий ва ақлий куч белгиланган бир фикрга сарфланганда ҳам нигоҳлар қисилиб, тасаввурий нуқтага узоқ вақт термилиб қолинади. Ҳаёлга ўрнашиб қолган бирор-бир фикр хусусида жиiddий қайта ўйлаб кўриш, ўзини-ўзи чеклаш, қаттиқ танқид, шафқатсизлик бўлиши мумкин.

Қисилган қўзлар бўлиб ўтган ёқимсиз ҳодисалар, айниқса, кутилмаган саволлар хусусида эсланаётганидан ҳам дарак беради. Инсон хаёлан ўтмишига қайтганида,

ҳаммасини ипидан игнасигача эслашга тиришганида бошини энгаштириб, күзини узоқ вакт қисиб туради.

Бир күзниң қисиши,
имлаң асосан кимладыр маҳфий
түшүнчалар түрлүсүдө дарак
деради. «Имлаң» дүйнөр күз
қисишичинин дүйнөр күриниши
дүйнөдө, уңдаң сиршы түшүнчаларни
еткәзищада фойдаланылади.
Бунда күз қисици одатта
үйнөкүрөк, қамообрөк, ўзина
дине күйін, очиқчасыла шиіким
одамларға хос ба шүниндеек,
аудақчишарта ҳам. Аммо дүйнө
харакаттардың-дүйнөр кишиша
ўзини дұс-дұстүр түшүнтириши,
айёришини анылатыши үчүн ҳам
ишилатышы мүмкін.

Эркин юмилган күзлар. Уйқу пайтида ҳар қанақанги хотиралардан йироқ күзлар Эркин юмилган бўлади. Бунда күзлар ўзини ташқи таъсирлардан ажратади ва дикқатни жалб этадиган ўйлардан асрайди. Худди шундай күзини юмгаллар ҳам ўзини ҳеч ким безовта қилишини истамайди. Балки у ўйлаб олиши керакдир (доклад эшитаётлиб, жиддий сухбат жараёнида), эҳтимол шунчаки роҳатланишни истаётгандир (яхши қўшиқ тинглаётлиб ёки саунада). Эркин юмилган күзлардан «сигнал» бериш учун

фойдаланаётган бўлиш ҳам мумкин: розилик ва тушунишнинг сезилмас ифодаси, айрим ҳолларда бу билинар-билинмас бош чайқаш билан бажарилиши ҳам мумкин.

Кўзни тиртиратиши – дўй танаю нотаниши таъсир түфайиши пайдо бўлан реакцияни кўриниши ёки қумидаш рухий жараёнилар белшилари: бирор нимада салбий алоқадорлик, инсончицизмик, хижолатмик, нотоза виждан, асадийлашув.

Бир оз қисилган (ярим очик) кўзлар ёқимсиз, аччиқ, совуқ хотираларни намоён этади. Инсончиз текширув, хирадлик ва тажовузкорликнинг қандайдир даражасини ифода этади. Қасд, макр ёки дўқ-пўписани ўзида яширади. Бу пайтда кўзлар очикчасига тикилиб туради ва қовоқнинг очик қолган қисмидан исталган маълумотни англаб олиш қийин кечади. Бундай нигоҳни ишга соглан одам бошқаларнинг мақсадини билиш ва ўзиникини яширишни истайди.

Кўз қорачиғи маълумотга ниҳоятда бой. Инсоннинг кайфияти ёки суҳбатдошига бўлган муносабатига қараб қорачиқлар ифодаси ҳам ўзгаради. Кучли ҳаяжонланганда қароқларимиз кенгая бошлайди, салбий муносабатларда эса қисилади. Кўзлар мунчоққа айланиши мумкин, нигоҳ айёрглигича қолаверади. Сотувчи молларни

кўздан кечираётган харидорнинг кўзлари-га эътибор бериб қараса, у нимани сотиб олиши мумкинлигини ишонч билан айтиб бериши мумкин – ўзини қизиқтирган молни кўрганда харидорнинг қорачиқлари кенгайиб кетади.

Худди шундай мулоқотдан, тингланган хабардан, қўшиқдан, истеъмол қилинган овқатдан мазза қилганда; кучли қўрқув ва оғриқдан; бир қанча дорилар ва наркотик моддалар қабул қилинганда кўз қорачиқлари кенгаяди. Қорачиқларнинг бетартиб ҳаракати мастиликдан дарак беради.

ҚАРАШЛАР

Нигоҳ жуда қўп нарсани англатади. Нигоҳ йўналиши ва ҳаракатланишига қараб бир неча турларга бўлинади.

Тик нигоҳ. Бундай нигоҳ сиз учун ёқимли бўлган инсонлар билан кўз орқали алоқа ўрнатишга жуда қулай. Агар юз тўлиқ сухбатдош тарафга бурилган бўлса, тик нигоҳ қизиқиши ва хурмат каби инсоний муносабатлардан дарак беради. Тасодифий икки тарафлама бурилишларда нигоҳлар бир-бирига тахминан баравар тўқнашади. Бу сухбатдошларнинг тенг даражада сухбат олиб бораётганини, ўзларини тенг хукукли шерик ҳис қилишаётганини кўрсатади. Кенг очилган кўзлар билан сухбатдошининг юзига тик ташланган нигоҳ ҳеч қанақанги сирли баҳоналарсиз ва ортиқча сўзларсиз очиқласига гаплашиб олишга тайёрикнинг белгисидир. Тўғри нигоҳ тартиблилик, ўзига ишонч ва очик табиатлилиқдан дарак беради.

Юқоридан пастга қараш.

*Суҳбатдошилар дўйилари ёки түриши
холатларини ҳар хиссигидан
хам дўнгай қараш келиб чиқиши
мумкин. Агар доси кўйтаришилан
дўйиб, суҳбатдошия яқин
масофада түриб тик қараландга
кўз қорачиклари кенингайиб
кетса ға нигоҳ эласини шошириб
кўйиб досиқа биробия қараса –
ищончилик ҳиссидан даюлат
деради. Бу нигоҳ яна манманлик,
мағурлик, ҳукмронликка интишиш,
димоғорлик ға менсимасликни ҳам
анилатади.*

Пастдан қараши. Бундай нигоҳ бўйнинг пастлиги ёки туриш ҳолатидан ҳам келиб чиқиши мумкин. Ўзини бўш ҳис қилган одамлар тик қараш мумкин бўлган жойда ҳам ана шундай нигоҳ ташлашга ҳаракат қиласи. Шартли равишда эгилган бош билан пастдан қараш ўзини зўрға тутиб турганлик ёки олишувга тайёргарликнинг белгиси. Букилган қад билан эътиборсиз пастдан қараш қарамлик, итоаткорлик, хизматга тайёрликни билдиради.

*Осмония қараши. Ўзини
одатдаидаи тұмтанаң ҳолда күз
сөкқаларини юқорига қаратыши,
«Осмоний күзлар» тақбеғі
дерисици, таҳсих үқиши, үтпа
кушии оғод-ахиоқ, ғаланд фикрлар
белисидир. Иңсон қаттап
төмиқкан пайтда ҳам дұндаи
нигоҳлар ғұжудың келіши мумкин.
Юзға сезимарш даражасада зўр
дериси - құр郁қ саблат түккиси:
ўзини тақбеғінде қилиш күрсатышина
уриници ёки оғод-ахиоқ дөрасидан
идеалия тақиғ қилишидир.*

Ноаниқ нигоҳ – юқорига қандай қаратилиган бўлса, пастта ҳам худди шундай қаратилиши мумкин. Биринчи навбатда бу кўнгилчанлик ва нафратланишдан, иккинчи навбатда эса хушомадгўйликдан келиб чиқади. Ноаниқ нигоҳ туфма касаллик бўй-

лиши ҳам мумкин. Кўпинча ёнидаги киши билан қўз алоқаси ўрнатишни истамаган одамларда ҳам шундай нигоҳ кузатилади. Нимжон туйғулар, ишончсизлик, ўта камтарлик ва журъатсизлик, қандайдир айборлик ҳисси туфайли нигоҳ тутқич бермайди. Суҳбатдошлардан бирининг нигоҳи қаттиқ бўлса, иккинчисининг нигоҳи тутқич бермайди. Ёки аксинча, кўзи ерга қаратилган бўлса ҳам қўз орқали алоқа ўрнатишнинг иложи йўқ.

Шунингдек, олазарак нигоҳ махфий кузатишларда ҳам хизмат қиласиди. Тўғри қаратилган юз ва тўғри нигоҳ қизиқишлиарни тўлиқ намойиш этади.

*Ён томондан қараши. Биринчи
навбатда сухбатдошила юзма-
юз қарааб турмаганинидан
бўнгай кўз қараши пайдо дўмиши
мумкин. Бундан ташқари, ён
томондан қараши, масофа сақлаши,
шубҳа, ишончсизлик, сухбатдоши
асида нимани ўйлаётганни
хакида билишила интишишини ҳам
ифодалайди. Айниқса, ду бенарбо
ва беҳаракат юз ифодасига
яққолроқ сезилиди.*

Катта очилган қўзлар билан ён томондан қарашиб – яширин қўрқув; одатдагидай очилган қўз билан – танқидий баҳо, сирли қизиқиши, ҳаракатга яширин тайёргарлик;

қисильтар күзлар билан – ишончсизлик, өхтиёткорлик, дүк-пўписа, норозилик, асабийлашиш натижасидаги худбинона мақсад; бир қошни күтарған ҳолда бундай қарааш – ўзбошимчалиқ, ишончсизлик, адодат ёки менсимасликни билдиради.

Елка оша кўз қири билан қарааш беписандлик, нафратланишини билдиради.

Аммо шуни ҳам инобатга олиш керакки, бўйин мускуллари ва қулоқ касалликлари ёки сухбатдошнинг қулоққа жуда яқин турриб гапириши оқибатида ҳам ён томондан қаралади.

*Ўйноқи ниюҳ асосан атрофдаш
чироийи ғулемларга, санъат асарла-
рига, табиатта ва аёларга заъклा-
ниб қаралганда бужудга келади.
Агар ниюҳ юзя тик қаралан ҳолда
настған юқорига ёки юқоридан
настға ўйноқласа – ғу катта
қизиқишидан дарак беради. Тағас-
сум ғилан худди шундай қарааш
заъкланишикни билдиради. Собук
мимикар ғилан амала оширилан
үшбу қарааш, ўз таассуротларини
қайтта ўрганиши, баҳолаш ва ҳат-
то хафа ғўзиши натижасида пайдо
бўлади. Бирор-бир нарсани диққат
ғилан кўздан кечираётган инсонда
ҳам ўйноқи ниюҳни кузатиши мум-
кин (масалан, харид учун нарса
танилаётганда).*

Тикилиб қараши. Бундай нигоҳ билан кўпинча мускуллар торайиши ва мимикаларда диққат-эътиборни бир жойга тўплаш учун кучли интилиш кузатилади. Нигоҳ сухбатдошга қаратилган бўлса, одатда танқид кўзи билан қараши билдиради. Аудитория олдида ҳаяжон босган одамлар ҳам кўпинча бирор-бир бўшлиққа тикилиб қарашиб орқали вазиятдан чиқиб кетадилар.

*Аиар тикиланни оҳ қаттиқ,
тўмридан-тўмири ға ўз дилан бирга
қисилин дўйса, тақалуфсизлик,
махфиийлик, сирни мақсад,
тажсобузкорлик, танқидий синонӣ,
масофа саклаши, ишончсизлик
ға синчковиқдан дарак беради.
Буни кўз ўниницга келтириши
учун кўтина териюбчи ға
танқидчиарнини «собук» ға
«аччиқ», айрим эркакларнини
ҳимоясиз аёла нисбатан
дебтакалуф ға ўшиким нилоҳини
кўз ўниницга келтирини.*

Ноаниқ кенглиқка қаратилган нигоҳ. Узоқ хотираларни бир ерга тўплаш, кўпинча қуруқ муҳокамага асосланган фикр юритишни билдиради. Хаёлпарастлик, ўйчанлиқдан дарак беради.

Кўз орқали навбатма-навбат алоқа (сухбатдошларнинг иккаласида ҳам ку-

затиладиган) бир-бирига эътиборни тасдиқлаш – ўзаро ҳурмат ва ишончнинг бир хиллиги, очиқ-ошкор муносабат. Бундай нигоҳ кўпинча болаларда ва севишганларда қузатилади.

Түшуниксиз нигоҳ кескинлик ва қатъийликнинг етишмаслигини ифодалайди. Шунингдек, кўзнинг тўхтовсиз ҳаракати маст одамда ва айрим руҳий касалликка чалингланларда ҳам учрайди.

Тинч нигоҳ ўткинчи хотираларга босиклик билан муносабатда бўлувчи вазмин одамларда бўлади. Ўта тинч нигоҳ ҳам баъзан қизиққон кишиларнинг жаҳлини чиқариши мумкин.

*Тифик нигоҳ қумши қизиқубўчаник
ба ҳаракатчаникни бўғдириши
мумкин. Боғини тинч тұмтлан ҳолда
кўз дўрчакларидан қараши кўпинча
кимнинг-дир уйша бўринча мартла
кираётлан аёлларда умраиди.*

Нотинч нигоҳ – вазиятнинг тоқат қилиб бўлмайдиган даражада зерикарли экани ҳақида яширин маълумот беради. Бундай нигоҳ таъсирчанлик ва бекарорликнинг белгиси бўлиши ҳам мумкин. Кўзнинг ўта тез ва шошилинч ҳаракати эса ҳамма иши чаппасига кетаётганидан бошини йўқотиб қўйган одамда қузатилади.

ҚҰЛЛАРИМИЗ ҚАНДАЙ СИРНИ «АЙТАДИ»

Сўзсиз тил билан шуғулланувчи олимларнинг қўпчилиги инсоннинг хатти-ҳаракатини – тўла мулоқотни таъминлаб берувчи ва ҳолатни ифодаловчи бош, қўл ёки панжанинг маънодор қимирлашини ўрганишга кўпроқ интиладилар. Икки киши учрашиб қолищди ва бир-бири билан қўл сиқишиб кўришайти – уларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб туриб нафақат феъл-авторини ўрганиш, балки сухбатдошига бўлган муносабати ҳақида ҳам маълумот олиш мумкин. Масалан, бир киши сухбатдошининг қўлинини қаттиқ сиқишиб кўришаёттанини кузатиб турибсиз. Агар қўлни қаттиқ сиқишиб билан бирга ҳаракатларида одоб ва назокат сезилса, бундай одам ўзининг нима хоҳлаёттанини жуда яхши билади, аммо ҳар қандай сухбатдошга ва ҳолатга тез мослаша олади.

Агар қўлни қаттиқ сиқаётиб ҳаракатла-рида қандайдир совуқлик сезилса, бундай одам ўзининг нима хоҳлашини жуда яхши билади ва кўпгина вазиятларга танқидий кўз билан қарайди, бошқалардан ўзи билан ҳисоблашишларини талаб қиласди. Агар қўлни қаттиқ сиқиб туриб худди ўзининг шахсий буюмидек тутса ва бўшатаётиб ен-гил силкитиб қўйса, бундай одам ўзининг нима истаётганини жуда яхши билади ва жуда кўп нарса талаб қиласди, чангалига тушган нарсани қўйиб юбормайди!

*Кўлини қаттиқ сиқиб кўришиши асосан эркакларга хос. Аёларнинг қўм сиқиши нимани анилатади? Буни билиши асосан бизнесмен ва бошқа кўпчилик билан муомалани талаоб қиласдишан ишиларда ишилайдишан аёларга мухимдиш.
Маълум маънода эркаклардан химояланиси учун ҳам «эркакларга хос қўм сиқиб кўришишини» ўзлаштирадилар.*

Суҳбатдошига ички ҳис-туйғуларини ёки шунчаки ёқтиришини ифодаламоқчи бўлган аёллар қўл сиқишмайди. Унинг қўлларини мулојимлик билан қўлига ол-ганча кўз қарашлари ва юз ифодаси билан ўз муносабатини маълум қиласди.

Кўллар ҳолатига қараб инсон хатти-ҳара-катларининг маъноси ўзгариб туради. Агар

кафтлар юқорига қараб очиқ бўлса, бу ҳолат нимадир талаб қилганликни билдиради (тиланчиларнинг сизга қараб чўзилган қўлларини эсланг): ростланган кафтлар пастдан олдинга ва тепага ҳаракатланганда, гавданинг юқори қисми ва бош хиёл пасаяди. Тана ҳолати ва имо-ишоранинг ўзгаришига қараб хатти-ҳаракатнинг жуда кўп хиллари юзага келади: кўркувдан то матонаттача.

Яна панжасанини дундай ҳолати очиқ-оцикор фикр дигидирши ға ниманидир анилатицини дигидира-ди (нотиқлар хатти-ҳаракати).
Панжасалар ана шу ҳолатда олдинга қанчалик кўп чўзилан дўмса, талаб қилиши даражаси шунчалик юқори дўлади. Очиқ кафтларнини секин тенадан олдинга ға пастла қийицик чизик дўйинча ҳаракати – ду төртиқ қилиши, яъни ўз хоҳиши диган узатиши. Бундак кўтинча кўлиар икки ёни ажралиди. Шунингдек, ду хатти-ҳаракат фикр-мулоҳазани даён эттища ҳам қўлиданади. Ҳа-ракати теззик диган дажариланда сухбаатдошина ниманидир ирита-ётландек таассурот қолидирали.

Бармоқларни кафтнинг марказига қайириб, мушт қилиб тутиш асаблар тарантлигидан дарак беради. Шунинг учун шундай хулоса қилиш мумкинки, унинг тафаккурида

фаол жараён кечаяпти, у ташқи ҳаётни инкор этиб, ички «Мен»ига мурожаат қиласыпти. Бармоқлар охиригача қисилиб, мушт қаттиқ туғилған бўлса, зўравонлик ҳиссини англатади.

Панжасанинг очиқ ҳолати ниманидир айтпизи, намоини этизи истапини, ортиқ кўншида сақлааб туромасликни дигидиради. Шунингдек, бекарорликнинг ҳам белиси дигидир. Очиқ панжасалар бўшашилан кўйлар ва түшширилан елка билан биргаликда умидсизлик, мушкум ахволида қоланик тўйрисида таассурот қолидиради. Агар панжа дармоқлари шиддат билан очишади, ҳаракат дармоқлар ёзишизи билан тұласа, дұ өажоҳат ва хазар қилинғдан дарап беради.

Қўллар ниманидир олаётган ёки ҳаракати шундай йўналган бўлса, қизиқувчанлик, имкониятни қўлдан бой бермаслик ҳамда моддий ўзлаштириш фикридан дарап беради (баъзида баҳиллик белгиси ҳамдир). Мавжуд фикрларини ифодалаш учун муносиб сўз тополмай турганда, бошқачароқ айтганда, тилининг учидаги турган гапни ифодалай олмаётган пайтда, шунингдек, ожизлик ва қўрқув ҳиссини туйганда ҳамишиги ниманидир ушлагиси келади. Костюмининг этагини, тутмасини, иккинчи қўлининг тирсагини ёки билагини ушлаш кишига ўзини қўлга олишга ёрдам беради.

Құлларни орқага қүйиши ҳеч кимнинг тинчини бузишни истамасликни билдиради. Босиқлик билан ниманидир кутаётганликнинг белгиси. Құлни орқага қўйиб сиз қанчадир вақт ёки умуман дунё ташвишларини унутмоқчисиз. Бу ҳаракат ғалаён, қўрқоқлик, мушкул аҳволда қолганликни билдиради. Ушбу ҳолат узоқ вақт давом этиши одатда босик, бўшанг, кузатувчан одамларда кузатилади. Агар аксинча қисқа вақт давом этса, ҳаракатчан одамнинг бир зум хаёлга толганлигини ёки қисқа муддат уятда қолганини англатади. Шунингдек, бу ҳолат ўзига ишонувчи, бошқалардан афзаллигини билиб турувчи кишининг кутиш ҳолатидир.

Қўмлар (ёки дир қўм) чўнтаркка солинган дўйса, ду ўзинини ички ишончсизлишини енишси ёки яциришини биандиради. Аюқани онни рабищада тезлаштириши ға ривожлантиришини биандируди «енни» ҳаракат. Суҳбат пайтида қўмларнинг чўнтаркка бепарбо солиниши қизиқишини ишқолиши, зерикишини анилатубчи қўрс ҳаракатидир. Агар қўмлар чўнтаркка шиббат димиан солиниб, дўйини, еика, қўм асадийшини, ониз ға кўзларнини шунга мос ҳаракати нималадир нисбатан қаршиликни анилатади. Суҳбат-дошда хабф-хаттарга таисёрларник хисси пайдо дўйиши мумкин.

Кафтни кафтта ишқалаш кучли ёқимли хис-туйғулар қуршовида эканини билдиради. Күпинча ушбу ҳаракат яхши кайфиятдаги ташаббускор инсонларда, масалан, севимли овқатини қутаёттан пайтида учрайди. Ўз ташаббусининг омадли якунланганини кўрганда: «Мана, биз кўрсатиб қўйдик!» деган маънода кафтни кафтта ишқалайди.

*Кафт ёки бармоқлар суяш билан
стома уриши ҳайронлик ва ғазабла-
ницини ифодалайди. Асадийлаши
даражаси қанчалик юқори бўйса,
ҳаракат щунчалик қаттиқ ва
тез-тез бажарилади.*

Юзни ёки унинг бир қисмини ётиб турган қўллар – ўз ҳолатини яшириш, сирсақлаш истаги, ўйчанлик, чуқур қайғу ёки мashaққатдан далолатдир.

Қўл билан пешонани ишқалаш нохуш ўйлардан қутулиш истаги ва ажинларни текислашга бўлган ҳаракатни билдиради. Агар ҳаракат секин ва ўйчан давом этса – бу ўша инсоннинг қайта мулоҳаза юритаётганинги кўрсатади.

Кулаётгандага оғзини кафти билан яширса, бундай одам кулгусини ҳеч ким англамаслигини, хис-туйғуларидан бирор хабар топмаслигини истайди. Қўлни ҳимоя воситаси сифатида юзга олиб бориш баъзи бирорларда кўникилган одат бўлиши ҳам мумкин.

Кимдир ёлғон гапиришга уринса, қўл ва юз ўртасидаги хатти-ҳаракат сезиларли дарражада ортиб боради.

Бир қўлни ёки биратўла иккала қўлни ҳам қулоққа тутиши қулоқ супрасини кенгайтиришга, яъни товушнинг яхши эшитилиш шароитини яхшилашга хизмат қиласди. Ёки аксинча, шовқиндан ҳимояланиш мақсадида қўллар билан қулоқлар беркитилади. Баъзан суҳбатдошга унинг гапларини эшитишни хоҳламаётганини англатиш учун қулоқларни рамзий маънода беркитиш ҳам мумкин.

Бурунга тегинии кўпинча хижолат бўлаётган одамда учрайди. Худди шунингдек, алдашга уринаётган одамда ҳам кузатиш мумкин. Асосан ташқи мувозанатини бузишни истамаган, аммо ҳаяжонланаётган киши бурнига кўп тегинади.

Ониза чўзшиаётлан қўй – ўзини куми бислан досиё ўтирганикнини делиси. Яъни, ниманицир яциришига деиҳтиёр уриницандир. Шунингдек, қўйини лабия олиб бориши наゾ-кат рамзи бўлиши ҳам мумкин. Фарқи шуки, дунга фақат бармоқ учиарисина лабия төлайди.

Агар катта ёшли одам бармогини оғзига солса ёки оғиз бурчакларига олиб борса, бу

болаликка қайтишнинг ўзига хос йўли (агар бу ҳаракат тез-тез тақрорланиши кузатилса, демак бундай одамда ҳали чегара белгилаш ҳисси тўла ривожланмаган). Ручка, қалам, қўзойнакнинг дастаси ва бошқа буюмларни оғзига олиб борса, бу юқоридаги фикрга тўғри келмайди. Кўпинча бундай ҳаракат ўзини йўқотиб қўйганда, ҳайронликда, кутилмаган ҳолатда ва фикрлари чалкашиб қолганда фикрни бир ерга йифиш учун бажарилади.

Агар чўзилган кўрсаткич бармоқ лаб атрофида юргизилса, бу ишончсизлик ва ҳимоясизликдан ишора, у кўмак изляяпти.

Кўл билан кўзни (юзни) ишқалаши оғриқ, жирканиш, бироқ шу билан бирга соддаликни ҳам англатади. Кўзларни (ёки қулоқларни) ишқалаш – ўсаллик, хўрлик ёки бир оз қўрқоқликнинг белгиси.

Кўм панжасини пеционалаша ишқалаши ўзи истомаланган ҳолда ачиқланнишини кўрсатади. Ёзиман кўрсаткич бармоқни дошишини чеккасига айлантириши ҳакоратибчи хатти-ҳаракати ҳисобланниб, ақидан озлан делан маънони билдиради.

Очилган кафталар билан ниманидир текислаётган, ёқимли силаётган одам ҳаётни нозик ҳис-туйғулар билан илғайди, роҳатланиб яшайди. Маданиятли саналган

одамларда бу хатти-ҳаракат кўп учрайди,
бундай одамлар аёллар билан учрашишни
ёқтиради. Агар ўз танасини силаса, у ўзини
севувчи одам бўлиб, ўзидан кўнгли тўлиб
яшайди.

ЕЛКАЛАР ҲОЛАТИ – КАЙФИЯТ ИФОДАСИ

Инсоннинг табиати ва кайфиятини аниқлаб олишда елкалар ҳам катта аҳамиятга эга.

Күтарилган елкалар – бир оз энгашган бел, қуи солинган бош ўзини ҳимоясиз ҳис қилувчи, ўзига ишончи йўқ одамларда учрайди.

Эркин ташланган елкалар ички эркинлик, ўзига ишонч, эгалик қилиш ҳиссидан далолат беради.

Елкаларни галма-гал кўтариб тушириш – иккиланиш ва ўйчанлик, шубҳа, режаларни ўзгартиришни кўрсатади. Елкаларни биргалиқда кўтариб-тушириш билишни истамаган ҳолда «бilmайман» деган жавобни беришдир.

Елкалар орқага ташланган, кўкрак олдинга бўртиб чиқсан бўлса, уддабуронлик, ташаббускорлик, кучлилик ҳамда шу билан бирга кўпинча ўзига юқори баҳо беришнинг ҳам белгиси.

Одинаға осилан елкалар умидсизлик ва *дўцанилик* билан ўзини-ўзи хароғ қиласеттан инсоннинг аксини кўрсатади. Бу ҳолат кўркув ва ёқимсиз ҳислар тұмфаиши инсоннинг ўз қебінша ўрашиб оланиши ва дўмларға очик-очикор мәнүж дўмланишини кўрсатиб тұради.

БОШИМИЗНИ БАЛАНД КҮТАРИБ

Күтарилган бош одатда рухан эркін ва ўзига ишонган одамларга хос. Мустақилликни, қандайдир ишга тұла тайёрикни, очиқ юзлиликті, атроф-мухитта очиқ эътиборни билдиради. Күпинча ростланған бош теран назарни англатади. Агар бош ҳаддан зиёд юқорига күтарилған бўлса, бундай одам яқинлашиб бўлмас даражада мағур ва димодор, хушёр ҳисобланади.

Үзини бўши қўйиган ҳолда бош орқага ташланса, бу ҳузур баҳш этувчи хотиралар куршовида эканидан дарак беради. Тинчликка, ҳаётга орзу-умидлар билан муносабатда бўлишга ишора. Шунингдек, ушбу ҳаракат бироннинг ҳукмронлигига ожизона жавоб, ҳимоясизлик белгиси ҳамдир.

Эгилган бош (нигоҳлар ҳам ерга қараган ҳолда) – итоаткорлик белгиси. Агар саломлашишда бош ана шундай эгилган бўлса, бу хушмуомалалик, рамзий итоаткорлиқдир. Одатда эгилган бош сўзсиз маъқуллаш, розилик белгиси саналади.

Оидинга чиқаришан доши (қаттик термулаётган нилоҳ дилан) күнши қизикиши, дўтун дикқат-яътиборни жаид этаникдан дарак беради (кўз ва қумоқлар сухбатдошия яна-да яқинроқ дўшишия интишиади). Ушибу ҳолат қанчалик күнши хайрихояшикни аниятса, ҳудуди шу даражада күнши сайдини муносабатни ҳам дилдиришиши, яъни, асадини ҳолатда дошини оидинга чиқариш, сухбатдошига кўзни лўж қилиш: «Мен ҳам масини қабули қиласман, лекин сендан аслию қўрқмаиман!» дейинши ҳам мумкин.

Бурилган бош. Бош сухбатдош томонга тўла бурилган бўлиб, юз тўлалитича унга қаратилган бўлса (нигоҳлар енгил ва тик

қадалган) қизиқувчанлик, ичкарида ҳеч қанаңғанги ортиқча ўйларсиз түғри гапи-раёттганлик, сұхбатдошни ич-ицидан қабул қылғанлик, ҳис-туйғуларини эркин ифода этаёттганлик ва ўз қилаёттан иши учун жа-вобгарлиқка тайёрликдан дарак беради.

*Боңни сұхдатдоғыла тескари
Әуриң қызықициниң ійқолани,
хафсаға пир әмблендини билдиради.*

*Харакаттаниң төз ёки секин
бажаршишидан ҳам күшимиң
маңдымоттарни ғишиң мүмкін.
Боңниң төзмік әмблен тескари
Әуриишиң күчши қаршишик белесі.
Шунингдек, боңниң бір муддағы
тескари Әуриә әлиң, бір лаңжа
мұстакшы фикрлаб әлиң истанини
билдиради.*

Боңни ҳар икки тарафға галма-гал бу-риш инкор маңносини англатади. Масалан: «Мен бажаролмайман», «Билмайман», «Истамайман» ва ҳоказо. Күтарилған елка ва оғиз бурчаклари буришган ҳолда боңни аста-секин чайқаш шубҳа ва әхтиёткорлик асосида иккиланишни билдиради.

ҚАДАМЛАР – ФЕЛЬИНГИЗДАН ДАРАК

Инсоннинг қадам ташлаши унинг руҳий ҳолатини тўла кўрсатиб беради (бироқ ёшига ҳам эътибор бериш керак). Кайфият ўзгарган пайтда қадам ташлаш ҳам ўзгарида. Севимли кишимиз билан учрашувга ёки бошқа бир ёқимли воқеалар қуршовига кетаётганда биз учгандек юрамиз. Тақдир зарбаларига дуч келганда эса судралиб, зўрға қадам ташлаймиз, вазифамиз бўйича юрганда шошиб ҳаракат қиласиз, ўзимизни бош ролда эканимизни билиб турганда савлат тўкиб юрамиз. Ўз-ўзидан мамнун, димоғдор одамларнинг қўллари дадил ҳаракатланади, оёқлари худди ясад қўйилгандек, ияги баланд кўтарилиган, қадам ташлаши эса мажбурият юзасидан бўлади.

Тобе одам бошлиқнинг орқасидан худди ўрдакча она ўрдак орқасидан эргашгандек юради. Агар одамда аниқ мўлжал бўлмаса, у секин уйқусирагандек юради, мўлжал пайдо бўлиши билан қадамлари тезлашиб, кентгайиб бошлайди. Юришига қараб қоронгида ҳам аёл ёки эркак киши кетаётганини аниқлаш мумкин (эркак киши аёлга нисбатан кенг қадам ташлайди).

Ҳаракат ритмига қараб юришлар бир-бираидан фарқланади.

*Мақом ғилин қадам ташлаш
яхши кайғият, ҳаракатта
таяёрларник беллиси. Одатда
кўпина ёш қизлар ва кибрим-
бенам кишилар ана шундай дир
мақомда чайқалиб юришдан
роҳатланадилар.*

Бир меъёрда, текис қадам ташлаш – мўлжал сари ғайрат билан қилинаётган ҳаракат. Ҳарбий хизматда сафда қадам ташлаётган солдатларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Ритмни бузган ҳолда қадам ташлаётган одам ўзида эмас, унинг истакларига қандайдир кучнинг халал бериши уни иккиланишга ёки ишончнинг йўқолишига олиб келган. Бундай юриш нимадир халал бераётганини, ўйчанликни, ички эркинлик етишмаслигини, ҳадиксираётганиликни (масалан, дарсга

тайёр бўлмаган ўқувчининг доскага чиқаёт-
гандаги юришини эсланг) билдиради.

Айрим сабабларга кўра қадамлар тез-
лиги, кенглиги, юрганда тана ҳаракати ўз-
гариши мумкин. Асосан аёлларда кийган
оёқ кийимиға қараб ўзгаради. Қадамлар
тезлиги мижозга ва истакнинг кучига боғ-
лиқ. Кенг қадамлар – ишбилармон, эркин
одамларга хос. Қисқа, майдада қадамлар
– эҳтиёткор, ҳисоб-китобли, ўзини тута
биладиган, мослашувчан одамларга хос.
Сезиларли даражада майдалиги туфайли
тез-тез қадам ташловчи одамлар ҳовлиқма
ва хурковуч бўладилар.

*Аюҳига таъкид билан кени
ва секин қадам тацилаш ҳамица
ўз кучини ва шахсиятигини
қийматини атрофдашишарга
намойици этици истасини
билидиради.*

Бўшанг қадам ташлаш қизиқишининг
йўқлиги, бефарқлик, умид ва жавобгарлик-
ни инкор этиш, ўз-ўзини тергаш, тартибга
солишнинг этишмаслигидан дарак беради.

Тўлалигича эркин, ҳеч қанақангি ортиқча
ҳаракатларсиз, тинч ва таранг, тез ҳам эмас,
секин ҳам эмас, катта ҳам эмас, майдада ҳам
эмас, бир маромдаги қадам эгаси – тинч,
ўзига ишонган одам – ўзининг нима хоҳлаёт-
ганини яхши биладиган, ортиқча ҳаракатлар
 билан ўзини реклама қилмайдиган ҳақиқий
шахс.

Тебраниб юриш. Агар ҳар қадамда тананинг юқори қисми тебранса (ҳар оёқ ташлағанида бир у, бир бу елкаси бурилади) ва ҳар қадамида намойишкорона табиат сезилса, бундай одамда ўзини кўрсатиш истаги шу қадар кучлики, оқибатда кўр-кўронга ва ясама ҳаракатлар юзага келади. Ўзига ишонган, содда-сезгир одамлар олдинга ва орқага бир оз тебраниш билан кучли ритмли қадам ташлайдилар, ўзини яхши кўрувчи одамларнинг елкаси бир текисда тебранади.

Оёқларни бир-бирига уриб юриши иродасизлик ва интилишнинг йўқлиги, чарчоқлик, сусткашликни англатади.

Оғир «магрур» қадам ташлаш (майдада қадамлар билан секин юради; танасининг юқори қисмини ўта тўғри тутади, бироқ ритм йўқолиб кетади ёки бузилади) калондимоғ, ўзини севувчи, ўзига юқори баҳо берувчи одамларга хос.

Нотабиий қадам ташлаши, бесўнақай юриш сиқиқлик, ташқи ҳаёт билан муносабатнинг этишмаслиги, кўрқоқлик, эркин кўринишга лаёқатсизлик белгиси. Нотабиий кескин қадам (сезиларли даражада катта ва тез қадамлар, қўлнинг орқа-олдинга тез-тез бориб келиши) – соҳта фаолликни намойиш этишга бўлган беҳуда уринишни билдиради. Оёғининг учини доимий юқорига кўтариб юрадиган кишиларда идеал одам бўлиб яшашга, устунликка (асосан ақлий жихатдан) интилиш, изланиш кучли бўлади.

ИККИНЧИ БОБ

РУХИЙ ТЕСТЛАР

Мижозингизни биласизми

Мижоз ҳар бир инсоннинг руҳий ҳолати ва феъл-авторида намоён бўлувчи ўзига хос хусусиятидир. Мижоз ички ҳолатларнинг давомийлиги ва қизғинлигига таъсир қила-ди ҳамда инсоннинг ташқи хатти-ҳаракатлари: имо-ишораси, мимикаси, фаоллиги, тез ёки сокин ҳаракатланиши ва бошқа жараёнларда сезилади. Ўз мижози ҳақида билишга ҳар бир инсоннинг қизиқиши табиий. Ушбу тест қизиқишингизга жавоб топишда кўмак беради.

Қуйидаги ҳар тўрт гапдан биттасини ўзингизга мос келганларини белгилаб чиқинг.

- 1.а) бетоқат, беҳаловат;
б) қувноқ ва хушчақчак;
в) сокин ва совуққон;
г) уятchan ва тортинчоқ.

- 2.а) саботсиз ва жаҳлдор;
б) серҳаракат ва ишchan;
в) қатъиятли ва синчков;
г) янги шарт-шароит изловчи.

- 3.a) чидамсиз;
б) бошлаган ишингизни охирига
етказмайсиз;
в) эҳтиёткор ва мулоҳазали;
г) янги танишлар билан мулоқотга
киришишингиз қийин.
- 4.a) кескин ва бетгачопар;
б) қадрингизни яхши биласиз;
в) кутишга қодир;
г) ўз кучингизга ишонмайсиз.
- 5.a) журъатли ва ташаббускор;
б) янгиликларни тез илғаб олишга
лаёқатли;
в) камгап, ортиқча гап сотишни
ёқтиримайсиз;
г) ёлғизлиқда ўзингизни енгил ҳис
қиласиз.
- 6.a) қайсар;
б) қизиқишиш ва иштиёқларингиз ўзга-
рувчан;
в) танаффулар билан сокин ва бир
текис гапирасиз;
г) кўпинча омадсизликдан тушкун ва
паришонхотир юрасиз.
- 7.a) баҳсларда ҳозиржавоб;
б) тез хавотирга тушувчан;
в) ўз жаҳлингизни боса оласиз;
г) тез ўзингизни йўқотиб қўясиз.

- 8.а) таваккалчи;
б) янги шарт-шароитта тез мослашасиз;
в) бошлаган ишингизни охирига
етказасиз;
г) тез чарчайсиз.
- 9.а) узук-юлуқ ишлайсиз;
б) ҳар қандай янги ишни иштиёқ билан
қабул қиласиз;
в) кучингизни бекорга сарфламайсиз;
г) паст овозда сокин сұхбатлашасиз.
- 10.а) кек сақламайдиган ва ҳадиксирай-
дигансиз;
б) сизни қизиқтирмай қўйган ишдан тез
ҳафсалангиз пир бўлади;
в) иш тартибингизни қатъий режалар
асосида олиб борасиз;
г) сұхбатдошингизнинг феъл-авторига
бейхтиёр мослашасиз.
- 11.а) тез, берилиб, пойма-пой сўзлайсиз;
б) бир ишдан бошқасига тез қўчасиз;
в) иштиёқларингиздан осон тийиласиз;
г) тез йиглайсиз.
- 12.а) бир хилда турмайдиган ва тез
қизишувлансиз;
б) диққат талаб қиласидиган ишларни
бажаришга қийналасиз;
в) мақтov ва танбеҳларга унчалик
эътибор бермайсиз;
г) ўзингизга ҳам, ўзгаларга ҳам катта
талаб қўясиз.

13.а) баъзан тажовузкор жангариға айланиб қоласиз;
б) киришувчан ва қўнгилчансиз,
хатти-ҳаракатларингизни чекламайсиз;
в) тагида заҳархандалик ётган гапларни ҳам мулоим, илтифотли ифодалайсиз;
г) шубҳа ва гумонсирашга мойилсиз.

14. а) етишмовчиликка бетоқатсиз;
б) чидамли ва ишга қобилиятлisisiz;
в) фақат ўз қизиқишиларингиз билан иш бажарасиз;
г) дардчилсиз ва қўнглингиз нозик.

15.а) маънодор имо-ишоралар билан гапирасиз;
б) хатти-ҳаракатлар ва имо-ишоралар ёрдамида очиқ баланд овозда гапирасиз;
в) ишга секин киришасиз ва бир ишдан иккинчисига ҳам секин кўчасиз;
г) аччиғингиз бурнингизнинг устида.

16.а) тез ҳаракатта тушишни ва бирданига ҳал қилишни истайсиз;
б) кутилмаган ва қийин шароитларга ҳамиша тайёр турасиз;
в) ҳаммага бирдай муюналада бўласиз;
г) қўнглингизни очмайсиз,
киришимли эмассиз.

17.а) янгиликларни бажонидил қабул қиласиз;
б) кайфиятингиз ҳар доим тетик;

в) ҳамма нарсада тартибни хуш күрасиз;
г) тортинчоқ ва сусткашсиз.

- 18.а) кескин ва қызғын ҳаракатлар қиласиз;
б) тезда ўзингизни босиб, ақлингизни йифиб оласиз;
в) нотаниш шароитта қийинчилик билан күникасиз;
г) итоаткор ва күнгилчансиз.
- 19.а) бир қарорга келишингиз қийин;
б) муваффақиятта эришиш учун бор кучингиз билан тиришасиз;
в) камҳаракат, сўлғинсиз;
г) одамлардан ҳамдардлик кутасиз.
- 20.а) кайфиятингиз бирдан ўзгаради;
б) баъзан юзаки қарашга, рад этишга мойилсиз;
в) ўзингизни тута биласиз;
г) меҳр ёки эътиборсизликни чуқур қабул қиласиз.

Неча марта «а» жавобни, неча марта «б», «в», «г» жавобларни танлаганингизни ҳисоблаб чиқинг. Улардан қай бирини энг кўп белгилаган бўлсангиз, қуидаги рўйхатга қараб қайси мижоз вакили эканингизни билиб олинг. Тўртта жавоблар варианти тўрт хил мижоздаги одамлар феъл-авторини ўз ичига олади:

«а» – холерик (қизиқон);
«б» – сангвиник (хушчақчақ);

«в» – флегматик (оғир);

«г» – меланхолик (ғамгин).

Меланхолик – ўзгариб турувчан, камҳаракат тур. Жуда сезгир, бекарор, ўз кучига ишонмайдиган ва уятчан. Ҳис-туйғу ва ҳаяжонлари секин уйғонади, анча-мунчага жаҳли чиқмайди. Аммо ғазабланса, ўтиб кетиши жуда қийин кечади, катта күч ва узоқ вақт керак бўлади. Меланхолик тез ранжийди, хафагарчиликни кўнглига оғир олади, ташқи кўринишида булар яқзол намоён бўлмайди.

У жимжитликка ва ёлғизликка мойил бўлиб, ўзига яхши таниш бўлмаган ёки бутунлай нотаниш инсонлар билан сухбатлашишдан қочади, янги шарт-шароитда ўзини жуда ноқулай сезади. Ҳамма янгиликлар, одатдан ташқари нарсалар унга халақит беради. Бироқ бундай одамлар ўрганилган тинч шарт-шароитда ўзларини яхши ҳис қиласидилар ва жуда самарали ишлайдилар.

*Ҳолерик – ўзини тұмтиәд
түрмәлмайдын, қызыққон түр.*

*Үшбұй миңсөз ғакишири төз
ва ҳаддан зиёд күп ҳаракат
қилишади, бір хида түрмәді,
дөзөбтә, рухий ҳолати төз
ўзгарувчан.*

Асабларнинг қўзғалиши ва тормозланиши кескин ҳаракатларида, жizzакилиги-

да, жаҳлдорлигиде яққол намоён бўлади. Улар маънодор мимикаларга, шошқалоқ, алкаш-чулкаш, нотекис нутққа, шиддатли хатти-ҳаракатга эга бўладилар. Ўта ҳиссиётли бўлиб, тез ёниб тез ўчадилар ва кайфиятлари ҳам тез-тез ўзгариб туради. Холерикнинг ўзгарувчанлиги унинг иш фаолиятида ҳам ўз таъсирини қўрсатади: у ҳаддан зиёд ошиқиб ва ҳатто қўркув билан ишга киришади, шиддат ва шижоат билан ишлайди, машаққатларни енгигиб ўтади. Аммо ортиқча руҳий энергияси тез тугаб қолади ва бирданига узоқ вақт уйқуга кетади, бирданига тушкунликка тушади.

*Холерик одамлар билан
муносабатда ўз ҳис-тўмушмарини
тумта биламиди ва бирданга,
ўйлаф ўтирмай муюмала қиласди.
Шунини учун ҳам одамларга баҳо
дерицида кўп яншициади ва у билан
омада ҳам, ишхонада ҳам доим
зиддиятни ғазият юзатга келади.
Бетланчопарни, таваккалчиши,
тез хафа бўмиши, садрсизши
тумфаини холерик билан муюмалада
бўмиши қийинроқ кечади.*

Сангвиник – чинакамига вазмин. Бу мижозга мансуб одам одамлар билан тез тил топишади, ҳаётдан мамнун яшайди, бир фаолиятдан бошқасига ўтганда осон мослашади, бироқ доимий бир хил ишни

ёқтирмайды. Сангвиник ҳис-туйғуларини осон бошқаради, янги шарт-шароитта тез күнікади, янги жамоа билан осон тил то-пишади, бегоналик сезмайды.

Унинг нутқи баланд, тез, дона-дона ҳамда маънодор мимика ва хатти-ҳаракатларга бой. Аммо сангвиникни жунбишга келтирадиган шароит яратып бериш керак, шундагина у ўзини ғайратли, фаол, серҳаракат тутади, унга ҳамиша янги ва қизиқарли таассуротлар керак.

*Аяар фәаилиятін узок давом
этадиан өңең өңең өңең, у
ишина қизиқишини ийқөтәди,
дефарқыл, хунәблек авж олади.
Санғвиникда түрші ҳис-түйнүлар
төз үйнөнди, дырок ұлар мүқаррар
эмас. Ҳис-түйнү қанчалик төз
үйнөнса, шүнчалик төз сұнници өңең
хаттарда аксила айланып кептіши
ҳам мүмкин. Санғвиникнин
қайғиятты төз ўзларади, аммо дыр
пасда одағыдаидай яхши жиҳатта
ўзларади.*

Флегматик – вазмин, камхаракат мижоз. Ушбу мижоз вакиллари секин ҳаракатла-нувчан, шошмайдиган, оғир одамлардир. У бошлаган ишини охиригача ўзгармасдан, ўйлаб, сабот ва әхтиёткорлик билан бажаради. Флегматикда рухий жараёнлар ҳам жуда секин кечади.

Ҳис-түйғулари одатда равшан әмас. Буннинг сабаби – доимий бир хиллик ва руҳий жараёнларнинг секин кечишида. Одамлар билан муносабатда флегматик ҳамиша бир хил, босик, меъёрида киришувчан, кайфияти эса ҳамиша турғун. Унинг ўзидан чиқиб кетиши ва руҳан қўзғалиши қийин. Бундай одам учун узоқ вақт совуққонлик ва вазминлик билан бажариладиган ишларни бажариш осон.

Аммо флегматикни кўп ҳаракатни, тезкорлик ва фаолликни талаб қиласиган ишларга жалб этиш тўғри келмайди, акс ҳолда у зерикиб қолиши, ўз муқаррарлигини йўқотиши мумкин.

*Шуни эса тұмбыши керакки,
инсонларни аниқ түрт міжозия
ажратыши жуда қийин. Жуда
кўпчилик одамларда дир нечта
міжоз өвакилариниң табиати
мавжуд бўлади. Айнан дир
міжозия мансуб одамлар камдан-
кам учрайди. Бундан ташқари,
инсон ўзини-ўзи тарбиялаши
натижасида міжози ўзгариши
хам мумкин. Ўз міжозини
ўзгартиришига ҳаракат қилиб,
дунга эришган одамлар ҳаётда кўп
учрайди.*

ИНСОНЛАРНИ ФАРҚЛАЙ ОЛАСИЗМИ

1. Сизнингча, инсоннинг гайриихтиёрий хатти-ҳаракатлари ва мимикаси – бу...

- а) инсоннинг айни пайтдаги ҳолатидан келиб чиқиб ўз-ўзидан туғилади;
- б) шунчаки нутқнинг давоми;

в) ҳали шаклланиб улгурмаган фикрларни юзага чиқаради, кимлигини фош этади;

2. Сиз аёлнинг имо-ишора ва мимика «тили» эркак кишига нисбатан қойил қоладиган даражада таъсирли, деб ҳисоблайсизми?

- а) ҳа;
- б) йўқ;
- в) билмайман.

3. Одатда дўстларингиз билан қандай сўрашасиз?

- а) хурсандчилик билан «Салом!» деб қичқирасиз;
- б) чин юрақдан қўл бериб кўришасиз;
- в) мулоийим қўл ҳаракати билан сўрашасиз;
- г) бир-бирингизнинг лунжингиздан ўпиб кўришасиз.

4. Сизнингча, қандай имо-ишора ва мимика ҳамма халқларда бир хил маънони билдиради?

- а) бош тебратиш;
- б) бош қимирлатиш;
- в) бурунни бужмайтириш;
- г) кўз қисиши;
- д) табассум.

5. Тананинг қайси қисми күпроқ таъсирчан, деб ўйлайсиз?

- а) оёқ кафтлари;
- б) оёқлар;
- в) қўллар;
- г) қўл панжалари;
- д) елкалар.

6. Сизнингча, юзингиздаги қайси аъзо күпроқ маънодор?

- а) пешона;
- б) қош;
- в) кўз;
- г) бурун;
- д) лаб;
- е) оғиз бўшлиғи.

7. Дўкон витринасида ўз аксингизни кўриб қолдингиз, диққатингизни биринчи бўлиб нимага жалб этасиз?

- а) либосингиз ярашган ёки ярашмаганига;
- б) соч турмагингизга;
- в) юриш-туришингизга;
- г) қадди-қоматингизга;
- д) ҳеч нарсага.

8. Агар кимдир гапираётуб ёки кулаётуб қўли билан тез-тез оғзини ёпса, сиз буни нимага йўясиз?

- а) у ниманидир яшираяпти;
- б) тишлари чиройли бўлмаса керак;
- в) нимадандир уяляяпти.

9. Ўз сухбатдошингизнинг қаерига күпроқ диққат қиласиз?

- а) кўзларига;
- б) оғзига;

- в) қўлларига;
- г) ҳолатига, унинг қай ҳолатда турганига.

10. Суҳбатдошингиз гапираётиб сиздан кўзларини олиб қочса, бу ниманинг белгиси, деб ҳисоблайсиз?

- а) ростгўй эмас;
- б) ўзига ишончсизлик;
- в) нимагадир шайланиш.

11. Сизнингча, жиноятчини ташқи кўринишига қараб аниқлаш мумкинми?

- а) ҳа;
- б) йўқ;
- в) билмайман.

12. Агар бир эркак бир аёл билан гаплашишига уринса...

- а) биринчи қадамни ҳамиша эркак киши ташлаши кераклиги учун шундай қиласяпти;
- б) аёл у билан гаплашишини истаётгани ҳақида ғайрииҳтиёрий равишда тушунтириш берган;

в) ҳатто қўпол равишда рад жавобини эшитганда ҳам, у ҳақиқий эркакнинг ишини қиласяпти.

13. Сизга суҳбатдошингизнинг сўзлари билан хатти-ҳаракати мос келмаётгандай туюлаяпти. Кўпроқ нимага ишонасиз?

- а) сўзларига;
- б) хатти-ҳаракат ва мимикасига;
- в) у сизда шубҳа уйғотади.

14. Айрим қўшиқчилар баъзан имо-ишоралар билан томошибинга шаҳвоний ҳарактерни очиб беради, деб тасаввур қиласидилар. Қандай ўйлайсиз, бу нимани билдиради?

а) бу шунчаки масхарабозлик;
б) шу йўл билан улар томошабинларни «қўзғатадилар»;

в) қўшиқчи ўз кайфиятини яширин ифодалайди.

15. Қўрқинчли фильмларни ёлгизликда қандай томоша қиласиз?

- а) тинчгина, одатдагидай;
- б) экранда рўй бераётган ҳар бир воқеадан бутун вужудингиз билан таъсирланасиз;
- в) қўрқинчли лавҳалар келганида кўзларингизни юмиб оласиз.

16. Инсон ўз мимикаларини бошқариши мумкинми?

- а) ҳа;
- б) йўқ;
- в) фақат айримларини.

17. Ҳазил қилаётганингизни кўпроқ қандай англатасиз?

- а) кўзларингиз билан;
- б) қўлларингиз билан;
- в) сўзингиз билан.

18. Имо-ишора инсонда қандай пайдо бўлади деб ўйлайсиз?

- а) кимдандир кўриб;
- б) авлоддан-авлодга ўтади;
- в) туғилишда табиат ато этади.

19. Соқол қўйиган одам...

- а) ҳақиқий эркак;
- б) негадир юзини яшираяпти;
- в) жуда ишёқмас, ҳар куни соқол олишни ёқтирмайди.

Балларингизни ҳисобланг:

1. а-3, б-4, в-3.

2, 3. а-1, б-3, в-0, г-0, д-3.

4, 5. а-4, б-4, в-3, г-2, д-4, е-2.

6, 7. а-0, б-0, в-1, г-1, д-0, е-1.

8, 9. а-1, б-2, в-3.

10, 11. а-2, б-1, в-3.

12, 13. а-1, б-3, в-3, г-2, д-0.

14, 15. а-3, б-1, в-1.

16. а-3, в-2, в-2.

17, 18. а-3, б-2, в-1.

19. а-3, б-2, в-1.

Натижа:

56–77 БАЛЛ. Зийраклик ва сезгирилик билан одамларни жуда яхши ҳис қиласиз ва тушунасиз. Аммо сиз ўз фикрларингизга қаттиқ ишонасиз, сўзларни иккинчи дараҷага тушириб қўясиз. Кўпинча одамлар тўғрисида шошилиб қилган мулоҳазала-рингиз сизни адаштиради. Ана шу камчилигингизни тузатсангиз, сизда кимнинг қандай одамлигини аниқлаб олиш учун жуда катта имконият мавжуд.

34–55 БАЛЛ. Одамларни қузатиб завқ ола-сиз, уларнинг хатти-харакатлари ва мимика-сини шарҳлай биласиз. Аммо билганларингизни ҳаётда унчалик қўлламайсиз, шунинг учун ҳар доим ҳам одамлар билан муносабатни тўғри ўрнатолмайсиз. Сезгилирингизни ривожлантиринг ва уларга ишонинг.

11–33 БАЛЛ. Кузатиш сиз учун бегона. Инсоннинг хатти-харакати ва мимикасига қараб унинг қандай одамлигини аниқлай олмайсиз. Бир оз қузатувчан ва сухбатдо-шингизга эътиборлироқ бўлинг, унинг сўзларини йўл-йўлакай қабул қилманг.

КҮРИНГАНИНГИЗ КАБИМИСИЗ

Ички дунёмизни ва ниятимизни ошкор этувчи сўзсиз «сигнал»ларни тез-тез қўллаймиз. Ушбу тест орқали одамлар сизнинг хатти-ҳаракатларингизга қараб қандай қабул қилишини билиб олишингиз мумкин.

Жавоблардан ўзингизга мос келадиганларини белгилаб чиқинг.

1. *Одатда сиз қандай қилиб қўл сиқишиласиз?*
а) икки қўлингиз билан;
б) сухбатдошингизнинг ҳаракатига қараб;
в) бармоқларингизнинг учи билан;
г) қўлингизни юқоридан олиб келасиз.
2. *Кўпинча қандай ҳолатда турасиз?*
а) қўлингизни белингизга қўйиб;
б) қўлингизни биқинингизга тираб;
в) қўлингизни бўш ташлаб;
г) қўлингизни қўксингизга қўйиб.
3. *Қўйидаги хатти-ҳаракатлардан қайси бирини кун давомида кўп ишлатасиз?*
а) юзингизга тегинасиз;
б) қўлларингизни бир-бирига ишқалайсиз;
в) бармоқларингиз билан олдингиздаги буюмни чаласиз;
г) қўзларингизни юмасиз;
д) қўлларингизни қўксингизга қўясиз.

4. Курсида қандай ўтириши сизга құлай?

- а) оёғингиз иккінчи оёғингизнинг устида, құлларингиз бошингизнинг орқасида;
- б) оёқларингизни иккі томонға осилтириб;
- в) узатылған оёқларингизни осилтириб;
- г) оёқ-қўлингизни бўш қўйган ҳолда озгина олдга энгашиб;
- д) оёғингизни креслонинг тутқичидан осилтириб.

5. Стол атрофида қандай ўтирасиз?

- а) қўлларингизни стол устига, гавдангизни бир оз олдга ташлаб;
- б) тирсагингизни столга тираб, бошингизни қўлингизга суюган ҳолда;
- в) тирсагингизни столга тираган ҳолда бармоқларингизни ўйнаб.

Рұхшунослар фикрича, юқоридаги ҳар бир хатти-харакатта изоҳлар мавжуд.

1. Қўл сиқишув:

- а) «Сиз билан дўстлашишни шунчалик истайманки, ҳаётда сиздан ортиқ инсонни учратмаганман!»
- б) «Мен ўзимга ишонмаганим каби сизга ҳам унчалик ишонмайман. Аммо агар қаршилигингиз бўлмаса, сиз билан дўстлашишдан хурсандман».

в) «Мен билан дўстлашишга уринаяпсиз, лекин сизнинг кўнглимдагидек дўст бўлишингизга ишонмаяпман».

г) «Бу ерда мен муҳимман, сиз эмас».

2. Ўзини тутиш:

- а) «Бу ерда мен муҳимман».
- б) «Мен бу ишга тайёрман, қойиллатиб уddалашимга ишонаман!» ёки «Хеч

кимни эшитишни истамайман, айниқса, бошлиқларни!»

б) «Мен тинчман ва ўзимга ишонаман».

г) «Сизга унчалик ишонмайман, мендан узоқроқ юринг!»

3. Имо-ишиоралар:

а) «Мана бунга мен иккиланаяпман» ёки «Ўзимга ишонсам бўлармикин».

б) «Мана бу бошқа гап!»

в) «Ҳаммаси жонимга тегди!»

г) «Тезроқ бўлинг, сабрим тугаяпти!»

д) «Айтсангиз-айтмасангиз мен қаршиман!»

4. Курсида ўтириш:

а) «Шу пайтгача қаерда эдингиз! Мен ўзимга ишонаман, сизга эса тўлиқ ихломандман».

б) «Бу ерда мен асосий кишиман, мана бу стул эса мени сиздан узоқроқ тутади».

в) «Бу ердаги ҳеч кимга ишонмайман ва ҳеч ким менинг ҳис-туйғуларимдан хабар топишини истамайман».

г) «Сизни ўзимга teng кўраман, агар сиз ҳам менга шундай муносабатда бўлсангиз».

д) «Менга ҳеч нарсанинг фарқи йўқ».

5. Стол атрофида ўтириш:

а) «Фикрингиз мени жуда қизиқтириб қўйди, у ҳақида тўлиқроқ эшитишни ва мулоҳаза юритишни истайман».

б) «Чарчадим, диққат билан эшитолмайман».

в) «Менга жуда қизиқарли!»

Натижа:

Ҳар гал хатти-ҳаракатларингиз ҳақиқатан ичингиздаги гапни ифода этишини билсангиз, ўзингизга бир балл қўйинг. Агар инкор этсангиз – ноль. Масалан, сиз бармоқларингизнинг учи билан қўришасиз-у, ўзингиз дўстлашишни хоҳлайсиз, бу ҳолда ноль балл қўйинг – хатти-ҳаракатингиз ишонарли эмас!

Бир балл – деярли ҳамиша одамлар сизни тўғри тушунмайди ва ҳамиша сиз нимани назарда тутганингиз ҳақида уларга тушунтириб беришингизга тўғри келади.

Икки балл – сизга ҳам тез-тез ўзингизни тўғри тушунмаётганлари тўғрисида изоҳлаб беришингизга тўғри келади.

Уч балл – камдан-кам вазиятларда инсонлар сизни тушунмасликлари муаммо туғдиради.

Тўрт балл – атрофингиздагилар деярли ҳамиша сизни тушунишади, сиз уларни сўзсиз ишонтира оласиз.

Беш балл – одамлар ҳар доим сизни тўғри тушунишади. Чунки хатти-ҳаракатларингиз ва ўзингизни тутишингиз сўзларингиз, фикрингиз ва ҳис-туйғуларингиз билан мос тушади.

КИРИШИМЛИМИСИЗ

Ҳар бир саволга «ҳа», «йўқ», «баъзида» деб жавоб берасиз.

1. Тишиңгизнинг оғриғи чидаб бўлмас даражага етгунича тиш шифокорига мурожаат қилмайсизми?

2. Қандайдир йиғилишдами, ишхонадами ёки бирор-бир дўстингизданми танбех эшиттанингизда кўнглингизга қониқмаслик хисси ва ғашлик чўқадими?

3. Сизга узоқ шаҳарларга командировкага бориши тўғрисида таклифлар тушадими, сиз уларни ҳар қандай вазиятда ҳам рад этмайсизми?

4. Агар нотаниш йўловчи йўл қўрсатиб юборишингизни илтимос қиласа ёки бошқа бирор савол билан сизга мурожаат этса жаҳлингиз чиқадими?

5. Ота-она ва фарзанд ўртасидаги муаммолар ёки ҳар хил ёшдаги одамлар ўртасида тушунмовчиликлар кўп бўлиши ҳақидаги фикрларни қабул қиласизми?

6. Сиздан бир неча ой олдин қарз олган танишингиздан пулни қайтариши ҳақида сўрашга уласизми?

7. Агар сизга ресторанда сифатсизлиги яққол кўриниб турган таом беришса, жим қараб турасизми?

8. Сиз узоқ вақт навбат кутишни ёқтирамайсизми? Тиқилинчда навбат кутишга

тұғри келиб қолса, ишни кейинга қолди-расизми?

9. Зиддиятли вазиятларда ўтказилаёттан текширувларда иштирок этишга қүрқасизми?

10. Адабиёт ва санъатта таалуқли би-рор-бир шахс тұғрисида үз қарашларингиз мавжуд бўлса, бошқа бирорларнинг фикрларини қабул қилмайсизми?

11. Илмий мавзуларда ёки иш юзасидан туғилган саволларда кимгадир ёрдамлашиб юбориш сизга ёқмайдими?

12. Үз фикрларингизни оғзаки нутқдан кўра ёзма равища яхшироқ ифодалайсизми?

13. Олдинда одатдагидай иш юзасидан учрашув кутаяпти. Бу кутиш сизни ҳаяжонлантирадими?

14. Үз хавотирларингизга кимнидир шерик қиласизми?

15. Бир бегона киши билан ёлғиз ўтириб қолдингиз, агар у биринчи бўлиб гап бошласа, сухбатта киришасизми?

16. Сизга жуда яхши таниш бўлган мавзудаги сухбатда хато айтилган фикр қулоғингизга чалинди. Унга муносабат билдиrmай жим кетаверасизми?

Натижани ҳисобланг:

«Ҳа» – 2 балл;

«Йўқ» – 0 балл;

«Баъзан» – 1 балл.

30–32 балл. Сиз киришимли әмассиз, бу ўзингизга ҳам, атрофдагиларга ҳам ха-

лал беради. Ҳамкорликда бажариладиган ишларни уддалаш сизга қийинчилик туғидиради. Ўзингизни назорат қилинг, одамларни тушунишга урининг.

25–29 балл. Сиз индамас, камгап инсонсиз, ўзингизни ёлғиз ҳис этасиз, шунинг учун дўстларингиз кам. Керакли янги муносабатлар, янги ишлар сизни саросимага солади ёки издан чиқаради. Камчиликларингизни тушунинг, тақдирга тан беринг, ҳаракатта тушинг.

19–24 балл. Умуман олганда сиз киришимлисиз, нотаниш шарт-шароитда ҳам ўзингизга ишонасиз, янги муаммолар туғилишидан қўрқмайсиз. Ва шунингдек, янги одамлар билан ҳам суриштириб ўтирмай муносабатта киришаверасиз. Баҳс ва мунозараларга истар-истамас аралашасиз. Баъзан асосида истеҳzo ётган мулоҳазаларингиз меъёридан ошиб кетади. Ана шу камчилигингизни тузатишга ҳаракат қилинг.

14–18 балл. Сиз ўртача киришимлисиз. Сухбатдошингизнинг қизиқарли сухбатини бажонидил эшитасиз, зерикарли сухбатига чидаб берасиз, ўз нуқтаи назарингиздан воз кечмаган ҳолда бошқаларнинг фикрларини ҳам инобатта оласиз, янги инсонлар билан танишишдан қочмайсиз. Аммо шовқинли давраларни ёқтирмайсиз.

9–13 балл. Сиз жуда киришимлисиз, ҳатто баъзан меъёридан ошиб кетади. Қизиқувчан, гапдон, ҳар қандай саволга обдан жавоб беришга ошиқадигансиз, бу баъзан

атрофдагиларга малол келиши мумкин. Янги одамлар билан бажонидил танишасиз. Ҳамманинг диққат марказида бўлишни истайсиз, ҳатто бажаришга кўзингиз етмаса ҳам ҳеч кимнинг илтимосини рад этмайсиз.

4–8 балл. Сизнинг муомалангиз муваффақиятингиз калитидир, ишларингиз ҳамиша жойида. Ҳар қандай сухбатни чин кўнгилдан тинглайсиз, муаммоли, ғамгин мавзулардан бошингизга оғриқ, юрагингизга ғам оралайди. Ҳатто ўта шахсий мавзудаги саволлар билан мурожаат қилишганда ҳам бежавоб қолдирмайсиз. Сиз ҳамиша ҳамма жойда ўзингизни ўз уйингиздагидек ҳис этасиз. Бажариб ултуришингизга кўзингиз етмаса ҳам ҳар қандай ишни қабул қиласиз. Шунинг учун ҳам ҳамкасларингиз ва раҳбарлар сизга бир оз хавотир ва иккиланиш билан муносабатда бўладилар.

3 ва ундан паст балл. Сизнинг киришимилигингизни касаллик деб баҳолаш мумкин. Кўп сўзли, гапдон, ҳатто ўзингизга умуман алоқаси бўлмаса ҳам ҳамма ишга аралашувчансиз. Қўлингиздан ҳеч нарса келмаган тақдирда ҳам муаммони суриштиришга шошиласиз. Атрофдагилар билан келишмовчиликлар тез-тез рўй бериб туради. Сиз аразчи ва кечирувчи-сиз. Жиддий ишлардан қочасиз. Туғишганларингизга ҳам, дўстларингизга ҳам, касбдошларингизга ҳам сиз билан жуда қийин. Феъл-авторингизни ўзгартиришга ҳаракат қилинг. Тоқатингизни тарбияланг, одамларга ҳурмат билан муомалада бўлинг.

ЖАҲЛДОРМИСИЗ

Доимий асабийлашув инсонни жаҳлдор ва қизиққон қилиб қўяди ва бу бизнинг хатти-ҳаракатларимизда, мимикамиизда намоён бўлади. Ушбу тест сизга ўзимизни қанчалик бошқара олишимиз тўғрисида билиб олишга кўмак беради.

Кўйидаги ҳолатларда жаҳлингиз чиқади:

- 1) Кимдир сизга жуда яқин туриб олса (ҳатто ўз ихтиёри билан бўлмаса ҳам – автобусда, навбатда турганда, сиқилинч жойларда);
- 2) Кимдир сизга ақл ўргатиб бошласа;
- 3) Кимнингдир бемаврид кулгусини эшитсангиз;
- 4) Кўришга шайланиб турган фильмнинг сюжетини айтиб қўйса;
- 5) Жамоат жойларида баланд овозда сұхбатлашишса;
- 6) Сұхбатдошингиз гапираётиб кўп имо-ишора қиласа;
- 7) Даврадошларингиз ёнингизда чет тилида сўзлашишса;
- 8) Атирнинг кучли ҳидига;
- 9) Сизга кераксиз нарсани совға қилишса;
- 10) Ўсиб кетган кир тирноқларни кўрсангиз;
- 11) Аёл киши сигарета чекса;
- 12) Ўзини ёш кўрсатгиси келган қарияни кўрсангиз;

- 13) Бирор сизга қараб йўталса;
- 14) Севиб ўқийдиган журналингизнинг варағи ғижимланган ёки йиртилганини кўрсангиз;
- 15) Дўстингиз белгиланган жойга кечикиб келса;
- 16) Театрда ёнингизда ўтирган одам спектаклни изоҳлайверса.

Агар жавобингиз «унчалик эмас», бўлса 1 балл, «жуда» деб жавоб берсангиз 3 балл қўйинг, «ҳеч қачон» жавоби учун эса балл қўйманг.

Агар **50 дан ошиқ балл** тўплаган бўлсангиз, сиз учун сабрли ва ўзини тутиб тура оладиган инсонга айланиш қийин кечади. Ҳамиша эътибор беришга арзимайдиган нарсаларга ҳам жаҳлингиз чиқади. Қайси-дир маънода ҳатто жаҳлингизни чиқариш учун баҳона ҳам излайсиз. Тез қизишасиз ва ўзингизни йўқотиб қўясиз. Фақат сиздагина эмас, атрофингиздаги инсонларда ҳам асаб тизими борлигини унутиб қўйманг.

Агар **13 – 49 ўрталигида балл** тўплаган бўлсангиз, сиз ёқимсиз ҳисларни енгиб ўтиш учун керагича чидамлисиз, уларни тезда унутиб юбориш қўлингиздан келади. Ҳақиқатан қўнгил чўктиришга арзийдиган ҳодисаларгагина хафа бўласиз, ҳеч қачон ўзингиз фожия ясамайсиз.

Агар **балингиз 12 дан кам** бўлса, сиз ўта хотиржамсиз. Ҳаётга реал қарайсиз, сизни тушкунликка тушириш осон эмас.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
-------------	---

БИРИНЧИ БОБ СУХБАТДОШНИ БИЛИШ СИРЛАРИ

Ким қандай қулади.....	4
Кўзлар – кўнгилдан сўзлар	7
Қарашлар	14
Қўлларимиз қандай сирни «айтади».....	21
Елкалар ҳолати – кайфият ифодаси.....	30
Бошимизни баланд кўтариб	32
Қадамлар – феълингиздан дарак	35

ИККИНЧИ БОБ РУҲИЙ ТЕСТЛАР

Мижозингизни биласизми.....	39
Инсонларни фарқлай оласизми	48
Кўринганингиз кабимисиз	53
Киришимлимисиз.....	57
Жаҳлдормисиз	61

Оммабоп нашр

ИНСОННИ ЎРГАНИШ ИЛМИ

Мұхаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Бадиий мұхаррир
Үйгун СОЛИХОВ

Мусаххих
Мадина МАҲМУДОВА

Саҳифаловчи
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник мұхаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АI № 252, 2014 йил 02.10 да
берилган.

Босишига 2016 йил 02.05.да рухсат этилди.
Бичими 84x108 1\32.

Босма табоғи 3,0. Шартли босма табоғи 5,04.
Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қофоз.
Адади 5000 нұсха. Буюртма № 103.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланды.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол қўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:
Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-72;
Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87;
факс – 273-00-14;
e-mail: yangiasravlod@mail.ru